

7-15-2019

## To The Question Of Studying The Phenomenon Of Musical Dynasty

Gulshanoy Tursunova

*The State Conservatory of Uzbekistan, gulshana75@mail.ru*

Follow this and additional works at: [https://uzjournals.edu.uz/ea\\_music](https://uzjournals.edu.uz/ea_music)



Part of the [Musicology Commons](#)

---

### Recommended Citation

Tursunova, Gulshanoy (2019) "To The Question Of Studying The Phenomenon Of Musical Dynasty," *Eurasian music science journal*. 2019 : No. 1 , Article 7.

DOI: [doi.org/10.52847/EAMSJ/vol\\_2019\\_issue\\_1/A3](https://doi.org/10.52847/EAMSJ/vol_2019_issue_1/A3)

Available at: [https://uzjournals.edu.uz/ea\\_music/vol2019/iss1/7](https://uzjournals.edu.uz/ea_music/vol2019/iss1/7)

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Eurasian music science journal by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

Жаҳон мусиқа санъати тарихида шундай ходисалар борки уларни феномен даражасида белгиламасликни сира иложи йўқ. Мусиқий сулоларнинг ижодий фаолияти шулар жумласидан.

Мусиқий сулолавийлик бетакрор феномен сифатида кариндошлик ришталари билан боғлиқ бўлган бир неча гуруҳ, авлод вакилларини узулуксиз равишда, маълум муддат, тарихий давр мобайнида мусиқа санъатида давом эттириб келинаётган ёрқин ижодий жараёни сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Сулола фаолияти вакилларининг ҳар бирига бу борада табиат қонуни билан инъом этилган “мусиқий истеъдод”, қолаверса, бир оила, катта шажара мисолида асрлар давомида мусиқий анъаналарни қай тарзда сақланиб келиниши, йиллар давомида ўзини мустаҳкам мавқеини нафақат сақлаб қолиши, балки, ривожлов динамикасида Жаҳон мусиқа маданияти тараққиётида кўшган улуши, ёрқин ўрни ва аҳамияти билан белгиланиши алоҳида эътиборга моликдир.

Ижтимоий-тарихий ходиса сифатида мусиқий сулолавийлик феномени турли маданиятларда миллий қадриятлар тизимини шаклланиши ва ривожидида ҳаминша алоҳида ўрин тутиб келган. Хусусан, Жаҳон ва Шарқ мусиқа санъати тарихига катта хисса қўшган қатор таниқли мусиқий сулолалар ўз фаолияти билан маҳаллий санъатда катта давр, концептуал йўналиш, бутун бир мамлакат ижодий мактаби ва ижрочилик услубларининг юзага келишини таъминлаган: Олмонияда- Бахлар, Италияда-Скарлаттилар, Австрияда-Гайдн, Моцарт, Штрауслар сулоласи, Испанияда-Кабесонлар, Францияда-Куперенлар, Чехияда-Бенд ва Бриксилар сулоласи, Болгарияда-Пипковлар, Россияда - Рубинштейнлар, Озарбайжонда-Гаджбековлар сулоласи, Ўзбекистонда-Ражабийлар, Сўфихоновлар, Ҳотамовлар, Жалиловлар, Ҳарратов, Матякубовлар, Зокировлар ва яна шу каби бир қатор таниқли сулолаларнинг сермахсул ижодий фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий мусиқашуносликда ва илмий адабиётларда мусиқий сулолалар феноменини ҳанузгача кам ўрганилган

мавзулар сирасига киради. Жаҳон маданият ва санъати равнақиға сулоларнинг қўшган кўзга кўринарли улуши, шунингдек, кўп йиллик фаолиятининг сарҳисоб самарадорлиги, маданият, илм ва ўзга соҳаларни тараққий этишда “харакатга солувчи” илғор куч сифатида қайд этилиши, мазкур феномени охириги йилларда илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилишга асос бўлмоқда.

Кенг маънода нафақат мусиқий сулолавийлик, балки барча соҳалардаги сулолавийлик феномени масаласи ўзга илм соҳаларида деярли ўрганилмаган. Масалани атрофлича ўрганилиши учун эса бугунда нафақат санъатшунослар, балки кенг доирадаги мутахассислар-психологлар, тиббиёт ходимлари, физиологлар, гинетиклар, рухшунослар ва социологларнинг эътиборини жалб қилиш даркор. Уларнинг илмий-изланишлари уларок, айнан мажмуавий ёндашуви асосида, масалани атрофлича ва батафсил ёритилиши заминида маълум натижаларга юзага чиқариш мумкиндир. Зеро, ижодий сулолалар фаолиятини тадқиқ этилишини ўзи, ўта серқирра ва мураккаб жараёни кўздан кечириш демакдир.

Сулола атамаси (лотин тилидан “*dinastia*”) - хокимлик, куч қудрат маъносини билдириб, оила тушунчасига нисбатан дастлаб сиёсий майдонда, сўнг эса, инсонларнинг касбий фаолияти ва хаётда эгаллаган маълум хунари, касбларига нисбатан қўлланилган. Эслаш жоизки, сулолавийлик – тарихан ҳукумат бошида оилавий ришталар, насаб, зоти асосида авлоддан авлодга ўтган хокимликни назарда тутган бўлса (Сомонийлар, Темурийлар сулоласи, Россияда Романовлар сулоласи ва б.), замонавий амалиётда бир мунча кенг маънода, наслдан келиб чиқиб, ота- она касбини узулуксиз равишда давом эттириб келаётган бир қанча инсонларни сарҳисоб фаолиятига нисбатан қўлланилди.

Яъни, сулолавийлик фаолиятни ташкил қилиш учун ўрганилаётган объект қуйидаги мезонларга жавоб бериш лозим:

- Бир авлод ичидан келиб чиқиши (оила, шажара, фамилия бирлиги).

- Ворислик асосида, расман зурриётини кетма -кет узулмай, алмашиб майдонга чиқиши (бу борада оилаларни тарихда ўрин алмашиб , авлодалар давомийлигини белгилаш муҳим).

- Маълум соҳада сулоларни ном қозониши ва жамият томонидан тан олиниси.

- Авлоддан авлодга маълум касбий анъаналар, маҳорат даражасини давом эттирилиши ва уларни кадриятлар кесимида жамият томонидан мақулланиб келиниши омили. (Бу борада биз айнан мусиқий сулолалар мисолида ўларнинг тўплаган катта ижодий, ижровий, илмий ва амалий тажрибаларини нафақат ворислик асосида, оила доирасида тақдим этишлари, балки, бутун жамиятга ошкора қилиб намойиш қилишларида ҳам кўришимиз лозим).

- Қариндош уруғлар томонидан “мусиқачи”, касбини давом эттириб, бутун сулолалани мусиқий сулолала бўлиб шаклланишига туртки бериши. (Маълумки, оиланинг фарзанд ва набиралари баъзида мусиқадан жуда узоқлашмай, ўзга санъат турларида ўзларини ёрқин намойиш қилишлари мумкин. Уларни шу тариқа “ санъаткорлар” сулалаоси деб аталишига асос бўлади).

Шарқ халқларининг узоқ ўтмишдаги бой тарихига назар ташласак уларни яшаш ҳаёт тарзи, маънавий ва маданий кадриятлари, кўплаб ўзга соҳаларда ворислик асосида яшаб гуллаган сулолавийлик анъаналари асосида ривож топади. Бу борада миллий ўзбек хунармандчилик санъати, илм ва санъат соҳаларида кўплаб санъат эгаларини узулуксиз ёрқин ижодий фаолияти бунга мисол бўла олади.

Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ижод қилган ва танилган мусиқачилар ўз касбини имкон қадар оила доирасида давом эттиришга интиланлар. Хусусан, Шарқий мамлакатларда миллий меросни тақдим этаётган амалий санъат намояндалари, косиб ва хунармандлар авлодида бу анъана кенг ривож топган.

Азалдан оғзаки анъанадаги муסיқа ижодиёти асосида ривож топган ўзбек муסיқа санъати ҳам, турли тарихий ва ижтимоий босқичларда “устоз-шогирд” тизими асосида, айнан қариндошлик ришталар замирида мувоффақиятли давом эттирилиб келинди. Бутун Яқин ва Ўрта Шарк муסיқа илми ва ижодиётида из қолдирган ота бола Иброҳим (742-804) ва Исҳоқ (767-850) Мавсулийлар, темурийлар саройи бош муסיқачиси, бастакор ва олим Хўжа Абдулқодир Мароғий (1353-1435), унинг ўғли Абдулазиз, набираси Мухаммаднинг Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги серкирра фаолиятларини мисол сифатида эслашимиз мумкин.

XX асрда Ўрта Осиё минтақасида рўй берган янги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар, инсонларга нисбатан берилган янгича эркинлик, озошлик ҳуқуқи, касб эгаллаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш борасида аввалгидек авлод хунарини давом эттириш мажбуриятидан озод этди. Шу туфайли XX асрдан эътиборан тарихий саҳифаларда сулолавий фаолиятини сон кўрсаткичиси табиий ҳолда бир мунча сусайиб, чекланиб боради. Бинобарин, санъат турларига авлодда бўлган ирсий мойиллик, келгусида, сулола вакилларини муסיқага яқин бўлган “ўзга санъат турларида” ўз имкониятларини синашига туртки беради. Шу қаторда белгилаш лозимки, ижодий сулола вакиллари олдида очилган янги ижодий имкониятлар, маълум маънода айана муסיқий сулоларга хос бўлган ворислик анъаналарини давомийлиги ва изчиллигини чеклаб қўйди.

Суловийлик масаласини ўрганишда шуниси аён бўладики, ҳар бир муסיқий сулола, ўзининг ички коди, омиллар йиғиндиси ва даражаси, фақат ўзига хос модель асосида шакл топиб ривожланади. Авлодан авлодга ўтиб, кўз қорчиғидек асраб авайлаб келинган турли кўринишдаги ойлавий ва сулолавий анъана ва қадриятлар, “сир-асрорлар” сулола вакилларининг махсус иш фаолияти ёки ижод турига мойиллиги кўрсатиб, бу борада қобилят ва истеъдодларини ёрқинроқ намоён этишга замин яратиб беради

Дарҳақиқат, сулолалнинг касбийлик борасида қўлга киритган “мувоффақият даражаси” ёш авлод вакилларини ижодий ҳаракатини

тенгдошларига нисбатан анча эрта бошланишига ва тез қадамлари билан олға юришга ундайди. Жамият олдида муסיқа борасида мувоффақитларни кўлга киритилишининг юқори кўрсаткичи эса, аксарияти ҳолларда авлод вакилларига ирсий равишда инъом этилган қобилият даражаси, маълум санъат турига мойилиги, меҳнатсеварлиги, юқори талабга биринчи қадамиданоқ интилиши, омад ва яна бир қатор шахсга боғлиқ бўлмаган ташқи сабаблар, шароит ва вазиятларлар билан узвий боғлиқ бўлади.

. Юқорида келтирилган мезонлардан ташқари сулолавийлик феномени юзага келиш учун бир қатор ички ва ташқи омилларнинг бир вақтга келиб шаклланиши алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий ворисликнинг аҳамиятини бу борада алоҳида қайд этиш даркор.

Ижтимоий ворислик деганда мазкур сулолада йиллар ва асарлар давомида ворисликни таъминлаб бериш учун керакли бўлган шарт-шароитлар шаклланишини тушунилади. Зеро, муסיқачилар оиласида улғайган фарзанд, ушбу муҳит ва шароитда катта бўлиб, санъат оламини ич ичидан ўрганиш, соҳа қадриятлари ва муаммоларни эрта тушуниб, англаб олиш имконига эга бўлади.

Муסיқашунос, санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат Консерваторияси профессори И. Г. Галущенко ўз мақоласида ота онасидан олинган ва ворисликни белгиловчи “генотип” яъни “ирсий тур” билан бир қаторда “фенотип”нинг (ташқи омиллар) аҳамиятини алоҳида қайд этади[1] Дарҳақиқат, ирсий равишда (“генотип”) инъом этилган қобилиятларни ривожда ташқи муҳитнинг аҳамияти айнан “фенотип”нинг даражасини белгилаб беради. Қанчали бу кўрсаткич баланд бўлса, шунчалик ворислик анъаналари кенг ривож топади.

Шак-шубҳасиз, ижодкорлар оилаларида тарбия кўрган авлод кўпинча биринчи қадамиданоқ ижодий муҳитга шўнгиб боради. Оиладаги ижодий муҳит қизиқишлар, ўз ишига қўйилган профессионал касбий талаб ва мезонлар доираси, уларни бажариш даражаси, туғма мойиллигига таяниб тез ва самарали ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Айни босқичда

сулолаларнинг ижодий самарадорлигини аниқлашда ижодий ворислик, ташқи муҳитнинг ўрни ва аҳамияти белгилаш ва аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Муסיқий сулолалар фаолияти ўз ичига катта тарихий даврни қамраб олиши, қолаверса, ҳар бир сулоланинг таркибига кирган алоҳида вакилининг мустақил ва умумий ижодий улуши, сулолада шаклланган азалий қадриятларни очиб бериш, шаклланган профессионал касбий мезонларни тадқиқ этиш, авлод фаолиятида ривож топиб, асраб авайлаб келинган анъаналарни давомийлигини кузатиб, тарихда ўсиш динамикаси ва эволюциясини ёритиш каби биргина масаларни очиш, тадқиқотчилар олдида мазкур масалани ўрганишда қийинчиликларни туғдиради. Бу борада мазкур масалани тадқиқ этилишида ҳанузгача махсус методологик ёнлашув, андоза ва намуна ишлаб чиқилмаганлигини ҳам қайд этиш жоиз.

Муסיқий сулоларни ўрганишда ворислик анъаналарининг аҳамияти ниҳоят юқори ўринда туради. Илк бор ушбу масалага эътибор қаратган инглиз олими, Чарльз Дарвиннинг акаси, психогенетика асосчиларидан бири Френсис Гальтон, ўзининг истеъдод ворислигига бағишланган асарида [2], биринчи бор жамоатчилик эътиборини тарихда истеъдодли, даҳо инсонларни туғилиши ва уларни келиб чиқиши учун замин яратган омил ва сабабларни белгилаб беришга, ворислик аҳамиятини ҳавола этишга ҳаракат қилган. Олим фикрича истеъдод туғма бўлиб, бу борада ирсийлик асоси атроф муҳитдан устунроқ экани ва қобилият ва истеъдодни кашф этилишида бирламчи аҳамиятга эга. [3]

1575 йили Испанияда Хуана Уарте қаламига мансуб “Илмга булган қобилиятни ўрганиш” номли китоби нашр юзини кўриб, унда муаллиф “Истеъдод-Яратганнинг илҳоми натижаси эмас, балки, инсон жисмоний тузилишидан келиб чиқади” деган фикрини илк бор олға суради. Ушбу китоб ўз вақтида инквизиция томонидан 1581 йили нашр қилиниши ва тарқатилишига ман этилган.

Дарҳақиқат, бугунда санъат аҳли орасида туғма истеъдод ва қобилият ҳақида кенг тасавурлар ўрин олиб, улар асосан генетик коднинг амалга оширилиши сифатида қайд қилинмоқда. Шажара масаласига, шунингдек, рус олими Ю. Филипченко эътиборини қаратиб, тажриба ўрнида Петербургда яшаб ижод қилган бир қатор сулоларнинг фаолияти тадқиқ этади.[4] Мазкур кузатувлар асосида биз учун қўйдаги қизиқарли хулосалар баён этилди. Хусусан:

1) зиёлилар доирасида ўқиб улғайган фарзандларнинг аксарият фоизи юқори малакали касб эгалари бўлиб етилади;

2) улар махсус қобилиятга эга ва юқори фоизли истеъдод соҳибларидир. Жумладан, олим олиб борилаган кўрсаткичларга кўра мусиқа санъат аҳлида 75% қариндошлик асосида юқори ва пастга ҳаракатланувчи кўрсаткичлар жой олган;

3) айрим рухий касаликларга дуч бўлиш миқдори шундай ойлаларда энг катта фоизини ташкил этади. Хусусан, аниқланган кўрсаткичга кўра “Олимлар, академиклар, санъат аҳли намояндалари орасида уларнинг 80% фарзандлари уларнинг қадам изидан бориб, профессионалик нуқтаи назардан ота - онасининг касбини давом эттириб келади. Бироқ, шундай юқори кўрсаткич ирсий моиллигидан келиб чиқмай, муаллиф фикрича, энг аввало ойла қадриятларила ўрин олаган анъанага таянганлигига бориб тақалади” ёзади у. Олим таъкидлашича зиёлилар фарзандларида уларнинг отасининг ирсияти комбинациясини сақлаб қолиш даражаси бир мунча суст бўлиб 50% ошмайди

. Бу борада сулолавийликни давом эттиришда бош мезон нима? - деган савол ханузгача очиқ бўлиб қолади. Айнан мусиқа санъатига бўлган қобилият узулуксиз равишда бир оила, авлод мисолида инъом этилишини ўзи генетиклар ва психологларни қизиқтириб келмоқда.

Бугунда тиббиёт соҳасида муסיқийлик аломатларини аниқлашда Т Князева ва унинг ҳаммуалифлари томонидан хавола этилган тадқиқот эътиборни жалб қилади[5]. Унга кўра олимлар, муסיқий истеъдодни ЭЭГ



диагностика усули ёрдамида кўрсатиш мумкинлигини хавола этадилар. Шуниси муҳимки, оддий инсонларга нисбатан мусиқага алоқадор шахсларда, уларни оддий турмуши ва ҳаёт тарзида, тинчланган ҳолатларида ички “импрессив мусиқийлик” ўрин олган бўлиб у пинҳон-онгсиз характерга эга бўлади ва мусиқий “ЭЭГ” кўрсаткичлари буни мавжудлигини исботлайди. Яни, замонавий диагностика усуллари ёрдамида, жумладан ЭЭГ натижалари асосида маълум манънода мусиқийликни сон миқдорини кўрсатиш мумкинлиги қайд этилган. Таҳлилларга кўра санъатга мойил одамларнинг нерв тизими бир мунча суст даражада бўлиб, улар бевосита мусиқий фаолиятда маълум ютуқларни қўога киритишга қодир бўлади. Албатта, санъатга моиллик қирралари билан ярқираб турган иқтидорли инсонни туғилишига нафақат ирсий омиллар, шунингдек, “тасодиф” деб номланувчи биологик, ирсий, тарихий, ижтимоий ва шу сингари яна бир қатор ходисалар занжири келиб чиқишини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Миллиардлар ичидаги бир мувоффақиятли комбинация шакли, маълум ижтимоий муҳит, шароит, меҳнат тарзи орқали бўлажак даҳони туғилиши ва вояга етишига сабаб бўлади.

Мусиқий истеъдоднинг ворсиллиги жамиятда қандай ўзини намоён қилади? Мусиқий қобилият ўз навбатида маданият ёки тарбия маҳсулими? Балки, бу инсон туғилишдан инъом этилган бир сирли тухфадир? Сулолалар фаолиятида қобилиятнинг даражаси ва сифати нимага боғлиқ?- каби кўплаб кўтарилган саволларга жавоб бериш, мушқил ҳисобланад. Зеро, и унинг негизида мусиқий сулоларни феноменини ўрганиш каби кўплаб кенг доирадаги мутахассисларнинг ўзаро келишилган хулоса ва натижалари асос қилиб олиними муҳим. Мусиқачилар, санъатшунослар, руҳшинослар, педагоглар, тиббиёт ,ирсиёт масалаларни ўрганувчи мутахассисларнинг олиб бораётган изланишларини мужассам этувчи хулосалар лозим .Бироқ, шуниси аниқки мусиқий истеъдод феномени, бошқа соҳа эгалари, масалан адвокат ёки ҳисобчидн фарқли улароқ кўпроқ биолоия ва ирсийетга яқин тушунча сифатида гавдаланади.

Ирсият масаласи таниқли рус олимаси, санъатишунослик фанлари доктори, рухшинос ва педагог Д.К. Кирнарскаянинг қаламига мансуб “Муסיқий қобилият” номли тадиқотида ўрганиб чиқилган.[6]Олима келтирган маълумотлар ва ўрганиб чиқган кўплаб ижтимоий кўрсаткич ва тажрибалар асосида муסיқий истеъдоднинг туғма ва ворислик асосини алоҳида белгилаб беришга ҳаракат қилган. “Ҳар бир инсон кўз илғамайдиган “даҳолик чизгисида” туради: фарзандларини туғилиши ва тарбияланиши асосида у унинг авлодининг аввалдан дастурлашган вазифа ва мақсади, сабабини - бўлажак даҳо туғилишига яқинлаштиради. Табиат инъом этган истеъдодни ривожлантириш ва ирсий равишда уни кучайтиришга мойил жуфтлик топиш тақдир ёрдами ва кўмаги билан амалга ошади: бир бирини излаган жуфтликларда даҳоликни отилиб чиқиши ҳақида фақат у воқиф”

Муסיқа инсон фаолиятлари қаторида энг эрта пайдо бўлган санъат тури бўлиб уни ўзлаштириш эса, қалб эҳтиёри, тасодиф куй ёки нолани хиргоий қилиш жараёнида пайдо бўлган ҳолда, дастлабки босқида махсус ўрганилиш тизимига муҳтож бўлмаган.

Бугунда дунё рухшунослари томонидан инсонни биринчи хаёт дамлари маълум маънода унинг келажаги ва истеъдодини белгилаб беради деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, эрта ёшлиқдан инсоннинг табиий иқтидори ривожига туртки бериш мумкин. Муסיқий истеъдод ривожини учун эса ижтимоий муҳитни яратиб бериш даркор. Санъатга кириб келаётган инсон кўпроқ муסיқа тинглаши, ота онаси, дўстлари, атроф муҳитдагилар муסיқа билан қандай шуғулланишини тинглаши керак бўлади ва имкони қадар бу жараёнга ўзи қўшилиши лозим. Ушбу масални ўрганишда авлоднинг , ворисликнинг аҳамияти борми? - деган масала ҳам кўндаланг кўтарилади.

Маълумки, муסיқий лаёқати бўлмаган ота-она ўз фарзандига муסיқийликни инъом эта олмайди. Соғ ота онадан дунёга келган фарзанди ҳам, соғ бўлиши керак. Ота- онанинг бири касал бўлса, бу нарса фарзандига ирсий равишда “совға” сифатида тақдим қилиниши табиийдир. Истеъдод ҳам шу тариқа ўз ворислигини амалга оширади. Ота-онанинг бири истеъдодли бўлса ,

бу истеъдод фарзанларига ҳам юқади. Жуфтликни иккинчиси мусиқий лаёқатсиз бўлса, ота- онадан истеъдод каби “туҳфани” фарзандига олиш фоизи ҳам табиий равишда камаяди. Шу боис, жамиятда “тоза қон”, “аслзода” тушунчаларнинг аҳамияти ўсиб бориши табиий. Ўзбекистон мусиқий сулолалари вакилларига нисбатан “аслзода” деб таъриф бериши бежиз эмас албатта. Ота-онанинг интеллектуал ва маданий даражаси пастлиги ушбу хислатларни фарзандларида пайдо бўлиш даражасини сусайтиради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳулосалаб куйдагини қайд этиш мумкин: мусиқийлик инъом этилади, лекин, ҳар гал ҳам ота онадан эмас. Агар, мусиқий истеъдодни туғилишига бевосита ота она сабабчи бўлмаса, бунга нима сабаб бўлади табиий савол туғилади.

Ушбу масалани ўрганиш учун Жаҳон руҳнослари томонидан кўплаб тажрибалар амалда синалган. Хусусан, ўта истеъдодли болаларнинг ота онаси, бошқа соҳа эгалари бўлмиш қариндошлари (тоғалар, холалар, амакиватчалар ва х.), яқин ва узоқ уруғ аймақларини мусиқага бўлган мойилиги текширилган. Шунга кўра юқори мусиқий истеъдоди бўлган болаларда бутун қариндошлари, бир неча авлоди мусиқийликка бўлган мойилиги баланд эканини кўрсатди. Аксинча, мусиқий болаларни ота онаси ҳар гал ҳам мусиқийлик истеъдодлари баланд бўлмаган. Бироқ, авлод ,насл сарҳисоб ҳажмида бу кўрсаткич шубҳасиз юқорилигини исботлайди. Шундан ҳулоса чиқариш мумкинки, мусиқий истеъдодни бу дунёга келиши уни бир ойила эмас балки узоқ вақт мобайнида унинг авлодининг эволюциясида тўпланган мусиқийликка бўлган мойилигини ирсий равишда “тўпланиб бориши” ва тобора “мукаммалашуви “ оқибатда маълум авлод намояндаларида “даҳолик” даражасидаги мусиқий сифатга эга бўлган санъаткорлар туғилиши учун замин яратади. Ирсийёт билан шуғулланган олимлар авлод, насаб, ўз ичида кўзга кўринмас вазифани амалга оширишини аниқладилар. Рус ирсийгчи Николай Дубин ўз вақтида бунини таниқли мусиқа сулолар мисоллари билан исботлаб берган.

Авлодни тарихида мусиқий даҳо пайдо бўлиши унда мусиқий мойиллик, истеъдоднинг қанчали балан бўлишига боғлиқ деб эътироф этилади. Авлодда

даҳо туғилиши сари қанчалик вақт яқинлашса, шунчалик авлодда истеъдодли санъаткорлар туғилишига кенг замин яратилади. Қолаверса, ушбу вакилларнинг муסיқий истеъдоди янада ёрқин ва кўзга кўринарли равишда яқираб чакнайди. Агар гап композиторлар сулолалси ҳақида кетса, унда кенглик ва унинг ижодий мойиллик сифати ниҳоят катта кўрсаткичларга айланиши мумкин. Яъни, муסיқий ойила ва бутун сулолаларни тавсифи биргина ойила билан чекланмайди ва қариндошларни доирасида ушбу кўрсаткич даражасини юқори эканини белгилайди. Муסיқий чолғучилар ва бастакорлар сулоласини таржимаиҳоли шуни кўрсатадики уларни дунёга келишида авлод ичидаги “муסיқийлик концентрати” турлича бўлиб бир биридан фарқ қилади. Хусусан, буюк ижрочи дунёга келишидан аввал муסיқийлик мойилик ва унинг кўрсаткичиси ривож топиб келиши лозим.

Таниқли дирижерлар - Артуро Тосканини, Герберт фон Караян, скрипкачи Фриц Крейсслерларнинг ота- онаси муסיқадан йироқ соҳа эгалари бўлганлар, бироқ, уларни муסיқага бўлган иштиёқи ва меҳри, хаваскорлик даражада бўлсада муסיқа билан шуғулланганишига йўл очиб берган Муסיқий иқтидори бор, бироқ, тақдир тақазоси билан бошқа соҳа эгаларига айланган ота- оналар ўзини муסיқада истеъдодини амалга оширмаган. Умумий улушда таниқли санъаткорларни ота- оналари бўлажак буюк ижрочи ва композиторларни туғилиши борасида ўзини улушини қўшиб келади.

Муסיқий оналарнинг ворислик борасида қўшган улуши ҳақида оталарга нисбатан маълумот кам. Бироқ, улар ҳам тенг, балки ундан ҳам катта равишда муסיқий истеъдод соҳиблари дунёга келишини таъминлаб берадилар. Зеро, чақалоқни она қорнида эшитган биринчи куйлари, куйчан овози, сўнг биринчи йилларданоқ тинглаган она алласи, авлоддан мерос бўлиб инъом этилган муסיқийликни жадал ривожланишига биринчи турки бўлишини инкор қилиш қийин.

Буюк немис композитори К. В. Глюкнинг биографии унинг авлодида муסיқий истеъдод эгаларини бўлганини аниқламаган. Бироқ, қай даражада ушбу композиторни авлоди муסיқадан йироқ ва муסיқийлик истеъдоди

бўлганми деган саволга жавоб топиш бугунда мушқил. ( унинг яқинлари ва авлодини текшириб бу борада асосли хулосалар чиқаришга имкон йўқ).

Шундай қилиб, буюк композиторларнинг шажарасини кузатиб таҳлил қилиши асосида уларни авлодини ижодий потенциали ва кучи истеъдодли ижрочиларни авлодига нисбатан анча баланд ва юқори туришини тажрибалар олиб борган муахассислар таъкидлайдилар. Агар буюк ижрочиларни ота онаси мусикани фақат шайдолари бўлса, композиторларнинг авлодлари нафақат мусикага бўлган қизиқиши, балки, мусикага ўз ҳаётларида эътибор қаратишлари билан ажаралиб турадилар. Улар яхши ижро қилиш билан бираг, бадиҳавийлик яъни, импровизация қилишга мойилликлари кузатилади. Кўпинча шундай композиторларнинг яқин қариндош уруғлари, профессионал санъаткорлар бўлиб, бўлажак даҳоларни оталари бўлади. Бу борада XVII-XVIII аср француз мусика санъатининг йирик даҳоларидан бири - Франсуа Куперен ижоди мисол сифатида келтирилиши мумкин.

Буюк немис композитори И.С.Бах авлодининг мусиқийлик даражаси хайратда қолдиради. Бахларнинг зуррийти мусика тарихида уникал бир феномендир. Немис олимлари композитор авлодини ўрганиб , тадқиқ қилиш унинг асосида “гениологик дарахтни“ тузиб чиқилган. Унга кўра, буюк композитори дунёга келишидан аввал мусиқийлик даражаси қайқанчалик жадаллашиб бориши ва айнан шажаранинг ёрқин вакили И.С Бах ижоди мисолида юксак чўқилларга кўтарилганини гувоҳи бўламиз.

Композиторнинг фарзандлари ҳам отасидан бу тххфани мерос қилиб олади. Сўнгги ижодкорлар авлодига кириб келган оила жуфтликлари, кўйилиб кўшилиб келаётгани оқибатид,а мусиқий истеъдод мойилиги маълум маънода бир мунча сўниб боради. Шундай қилиб , ҳар бир янги ойилавий жуфтлик (эр ва хотин)ва уларнинг авлодидаги мусиқийлик омили бўлажак даҳо туғилишига ўз улушини кўшиши мумкин.

XIX аср охирида рус композитори Анатолий Лядовнинг шажараси ҳам мусика йўналишида ривож топганини гувоҳи бўламиз. Унинг отаси-

Константин император театрларининг бош дирижёри бўлган, акаси эса — император балетининг созандаси, виолончелист бўлган. Отасининг учинчи акаси Михаил —пианист, яна бир акаси Александр — дирижер, сингилиси- Анна фортепианода махорат билан чалган, акаси Владимир - император опера хорида фаолият олиб борган,,сингилиси Елена —итальян опера хорида куйлаган. Александрнинг кизи- Вера Лядова, композиторнинг тоғасининг кизи, келажакда машхур опера хоанандаси бўлиб танилади. Муסיқий истеъдоднинг юқори кўрсаткичи ҳам ниҳоят баланд.

Тахмин қилиш мумкин агар буюк В.А. Моцартнинг отаси Леопольд Моцарт авлодида А. Лядов каби кўп ака укалари бўлганида, балки улар ҳам профессионал муסיқачилар бўлиши мумкин эди. Бироқ, “агар” сўзи тарихда ҳеч қачон қўлланилмайди .Лядовларнинг ойилавий тарихи буюк композитор муסיқийлик истеъдоди ва кучининг кенглиги ва катталигидан далолат беради. Буюк ижрочилар тарихида бундай мисоллар кам.

Буюк композитор С. Рахманинов авлоди шундай мисоллар тоифасига киради. Унинг тоғаси- Аркадий Рахманинов хаваскор- композитор бўлган.Унинг қаламига 150 ортиқ муסיқий опуслар, романс ва фортепианних асарлари тегишли. Композитор отаси- Василий истеъдодли хаваскор - пианист бўлиб, ажойиб импровизатор сифатида ҳам танилган. Сергей Рахманиновнинг холасининг ўғли - Александр Зилоти буюк пианист бўлган . Композитор опаси -Елена 17 ёшда катта теар труппасига қабул қилинган, бироқ эрта хаётдан кўз юмди. С. Рахманинов авлодида нафақат “юқори муסיқийлик ” балки композиторлик истеъдодининг “юқори гени” кузатилади. Шундан олима Д. Кинарская шундай хулоса чиқаришга ҳаракат қилади: юқори муסיқий истеъдод фақат авлоднинг жами юқори муסיқийлик омилидан келиб чиқади. Унинг кучи композитор ва жрочиларн дунёга келишини таъминлаб беради. Катта авлоднинг муסיқийлиги сўнгги авлодга - нафақат Сергей Рахманинов балки унинг қариндошлари акаси- Александр ва онаси Еленага таъсир қилиб намоён қилган .

Композитор Жак Оффенбах ойиласи ҳам маълум бўлишича жуда мусиқий бўлган. Унинг туғилган она шаҳрида Оффенбахлар ойилавий триоси (Жак, акаси Юлиус ва сингилиси Изабель ) машхур бўлаган .

Композитор Жорж Бизе ойиласи она томонидан жуда мусиқийлик томонлари билан ажралиб турган. Онаси - Эми Дельсарт яхшим пианист сифатида танилган, уларнинг икки катта акаси таниқли ва моҳир хонандлар бўлган . Каттаси-Камил Реймсда биринчи тенор бўлган, кенжаси -Франсуа эса буюк ўқитувчиси хонанда бўлиб танилди. Жорж Бизенинг отаси- Адольф касби сартарош бўлсада куйлашдан сабоқ беришга ҳаракат қилган. Аммо у фақат хаваскор мусиқа шайдоси бўлган.

Буюк Дмитрий Шостаковчнинг онаси Санкт-Петербург консерваториясини тамомлаган профессионал пианист созанда бўлган. Отаси эса яхши хиргойи қилган инсонлардан бири эди.

Александр Скрябин онаси концерт берувчи пианист созандалардан бири сифатида катта умид берган, аммо, қисқа ҳаёт умрини кўрди. Мюзиклар муаллифи Эндрю Лойд Уэббернинг икки ота - онаси санъаткорлар бўлганлар. Композитор Эдисон Денисовнинг отаси мусикачи бўлмаса ҳам, эшитиш қобилиятига таяниб асарларни мустақил чалиб, ўзлаштириб бу борада бадиҳавийликни маҳорат билан амалга оширган.

Баъзида авлодларни мусиқийлигини аниқлашда тарихнинг ижтимоий шарт-шароити ҳалақит беради. Масалан, юқори табақадан келиб чиқган авлодларни мусиқийлигини аниқлаш бир мунча мушқилдир, негаки, аксрияти зодагонлар (масалан рус жамиятидаги дворянлар доираси) хизмат қилмаганлар ва уларни мусиқийлига хаваскорлик чегараси билан аниқланган. Бошқа буюк рус композитори П. И Чайковский хотирлашича унинг отаси Илья Петрович катта мусиқий соҳиб эгаси бўлиб , хотира асосида опера увертюралари қа бошқа сарларини нотани билмай эшитиш тажрибасига таяниб чалган. Бундай қобилият хаваскорлик чегарасидан чиқиб кучли истеъдод эканилан далолат берган.

Биографик маълумотларни ўрганилиши мусикий сулолаларда тухма истеъдод ва ворислик даражасини аниқлашга ёрдам беради . Шуниси муҳимки, ҳар бир инсон “даҳолик чизгиси” да туриб ўзини фарзандларини туғилиши, тарбиялаши билан,маълум маънода “даҳо” туғилишига ўз хиссасини кўшиб боради Бу унинг авлодининг энг олий мақсади вазифаси ва чўққисига айланмшм ажаб эмас. Оллоҳдан инъом этилган истеъдодни ривожлантириш, ушбу омилни кучайтиришга қодир жуфтликни топиш, тақдир ёрдами билан амалга ошади, фақат у даҳоликни энг катта кўрсткич тўлкини қайси вақт ва паллага туғри келишини билади. Бир бирини билмай талпиниб келаётган оийлавий жуфтликлар эса буни ўзлари англамаган ҳолда тақдир билан битилган олий мақсадни амалга оширишга киришадилар..

Афтотун давридан олға сурилган бирламчи ғоялардан бири бевосита қобилиятни биологик омиллардан келиб чиқиши ва уларни жамоачиликка аён бўлиши , тўлагича ворислик асосида олинган генафондга боғлиқ деб эътироф этилган.

Сулаларни ўрганишда буюк психолог Б.Г. Ананьев ўз вақтида кўллаган боиграфик услуб (метод) ханузгача илмда муқобил тадқиқ қилиш усуллардан бири сифатида сақланиб қелинмоқда[7].Унга кўра биографик, яъни таржимаиҳол услуби (таржимаиҳол баённотиға нисбатан кенг ва мажмуавий кўринишға эға) инсоннинг хаётий йўли ва фаолияти хусусида маълумотларни йиғиб, тизимлаштириш натижасида тадқиқ этилиши мумкин.

Мазкур ёндашувға биноан сулолалрнинг ҳар бир вакилининг фаолияти бу борада алоҳида ўрганиб чиқилиб, қиёсий таҳлил қилиниб,чиқарилган натижалар заминида ворислик учун асос бўлган касбийлик, этетик ва ахлоқий, соф оилавий анъана ва қадриятлар, бутун сулолавийлик мезонлари инкишоф этилади. Мақола муаллифнинг мусикий сулола феномени ўрганишға бағишлаган ва санъатшунослик фанлари номзодлиги олиш учун тақдим этган илк диссертацион тадқиқоти ҳам ўз вақтида мазкур масалаға



бағишланган эди. Ўзбекистонда таниқли муסיқий сулалардан бири Карим Зокиров ва унинг ёрқин хонандалар авлоди (Луиза, Навфал, Ботир, Фаррух, Равшан, Наргиза Жавохир, Вагиф Зокировлар)ни ўрганишда диссертациянинг методологик таянчи айнан ушбу биографик услубга асосланиб тадқиқ этилган [8].

Хусусан, XX аср иккинчи ярми, XXI аср бошларида Ўзбекистонда фаолият олиб борган ёрқин сулолардан Карим Зокиров ва унинг забардаст сулоласи номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтган асрда рўй берган тарихий шарт-шароитларда сулоланинг ҳар бир вакили замон зайли билан ўз даври муסיқа санъати, хусусан опера ва кўшиқ ижрочилигига дадил кириб келиб, бу соҳаларда ҳақиқий талқинчилик шаклланиши, замон зайлида равнақ топишига улкан улушини кўшдилар.

Хонандалар ва актёрлар сулоласининг асосчиси - Карим Зокиров Ўзбекистон опера (кенг маънода муסיқали театр) санъати, фольклор ва мумтоз меросимиз дурдоналарининг талқинчисидир. Унинг ёрқин вокал ва актёрлик истеъдоди Шарқ ва Ғарб ижрочилик анъаналари кесимида шаклланиб, айниқса ўзбек миллий опера мактаби юзага келишида муҳим омилга айланди.

Ботир Зокиров эса нафақат ўзбек санъати оламида, балки жаҳоннинг XX асрга мансуб энг сара хонандалари қаторидан ўрин эгаллаган ва муסיқий эстрадамиз шаклланиши ва тарақиётига бетакрор хизмати сингиган буюк арбоблардан. Унинг серқирра (хонанда, рассом, шоир, либретточи, режиссёр, драматург) ижодий фаолияти санъатнинг қамровли феноменидир. Айни Б. Зокировнинг сайъ-ҳаракатлари билан биринчи марта Ўрта Осиё ва буткул Яқин Шарқда ноёб «Музик-холл» жамоаси ташкил топди.

Сулоланинг тўнғич фарзандларидан – Луиза Зокирова ҳам Ботир Зокиров каби, республика эстрада санъати ривожланиши жараёнида фаол иштирок этиб, ижро этган ашула ва кўшиқлари билан шарқона талқинлар шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Фаррух Зокировнинг фаолияти ўзбек, эстрада қўшиқчилигида «фольк-поп» услуги орқали йирик фольклор заминли йўналишининг юзага келиб, камол топишида алоҳида аҳамият касб этади.

Сулоланинг ўрта ва кенжа вакиллари – Навфал, Равшан, бугунда эса учинчи авлод намояндалари – Наргиза, Жавохир Воқиф Зокировлар ўзбек эстрада қўшиқчилиги ривожигаги ғарбона тармоғи шаклланишида изланишлар олиб бориб, янги услубий қирраларини очилиши, имкониятлар кенгайиши борасида хизмат қилишмоқда.

Буткул сулоланинг ўзбек мусиқа маданиятида тутган ўрни ва мавқеи шундаки, XX аср мусиқий услублари янгилалиши жараёнида Шарқ ва Ғарб тажрибаларидан унумли фойдаланиб, миллий мусиқамиз анъаналари билан моҳирона пайвандлашга ҳамда Зокировларга хос ижрочилик мактабини яратишга муваффақ бўлишди.

Зокировларнинг яратувчанлик қирралари ҳақида қамровли фикр юритилар экан, сулола ижрочилик санъатининг амалий-назарий томонлари алоҳида диққат-эътиборга моликлиги, уларга хос маънавий-эстетик тамойиллари ва ахлоқий-идеалларини мужассамлантирувчи концептуал илмий қарашлар тизими яратилиши зарурлигини англаш мақсадга мувофиқдир.

Сулоланинг деярли бир асрлик фаолияти, ҳаётийлик кучини тан олган ҳолда, яқин ўтмиш мусиқий маданиятимиз ва ҳозирги замон жараёни кесимида бу авлод хизмати ва фаолиятини буюк ҳодиса сифатида қайд этилишини тақозо этмоқда. Ворислик асосидаги ижрочилик анъаналари, бадиий-эстетик ғоялари, юксак маънавий қадриятлари муштарақлигида - бугунги кундаги ўзбек эстрада қўшиқчилиги ривожини Зокировларнинг учинчи авлоди вакиллари олиб бораётган ижодий изланишлари самарасида ҳам кўриш мумкин.

Демак, сулоладан қолган бой меросни касбий ва жамоатчилик доиралари, оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш, айниқса мусиқий талқинчилик соҳасида, хусусан, ўзбек опера ва эстрада ижрочилигида қолдирган бой анъаналарини ўрганиб, чуқурроқ англаб,

ҳозирда кўндаланг турган муаммоларни бартараф этишда ижодий фойдаланиш, жамиятнинг маънавий-маърифий юксалиши учун илмий-амалий тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга моликдир.

Муסיқий сулолалар фаолиятининг даврий кенгилиги уни ичида трансформацион жараёнларни кузатиш учун замин яратиши мумкин. Масалан, муסיқий оилалардан фарқли улароқ (икки авлод: ота - она ва ўғил, қизлар) муסיқий сулолавийликни ташкил қилиш учун уч авлод вакиллари бир соҳа эгалари бўлиши лозим (уч авлод фаолияти вақт кенгилиги борасида деярли бир асрни қамраб олади).

Албатта асрлик ўлчами шак -шубҳасиз санъат тарихи ривожидида катта аҳамиятга эгадир. Бу борада олиб борилиши лозим бўлган тақиқотларда тарихий ва замонавий маълумотларни (оилавий ва давлат тасарруфидаги архив ҳужжатлар, бевосита сулола аъзолари билан олиб борилган интервью ва суҳбатлар ва х.) йиғиш ва тизимлаштириш , ретроспектив тадқиқ қилиш асосида узулксиз тарихий кетма-кетлик занжирини кўрсатиш, қиёсий ва солиштириш таҳлиллар ёрдамида бутун сулола аъзоларининг фаолиятларини тадқиқ қилиниши ,уларни фарқи ва умумийлигини очиб бериш, касбийлик борасида кўлга киритган ютуқлари, муסיқий оилавий мезонлар ва анъаналарга таяниши, ирсиятидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос талқин йўллари ва “сулолавий” хати ва кодини ўрганилишини тақазо этади. Юқорида келтирган биографик усул муסיқий сулолавийлик масаласини ўрганишда камлик қилиши аниқ. Зеро, ҳар бир муסיқий сулола ва унинг вакилини мазкур соҳага таалуқли бўлишида ташқи омиллар (яқинлари атроф муҳит, яшаш тарзи, қизиқишлари, тафаккур даражаси ва оддийгина бир “омад чопиши” ҳам ҳал қилувчи вазифани бажариши мумкин). Айнан шу боис, муסיқий сулолалар феноменини тадқиқ қилишда нафақат ўзга соҳа вакиллари , балки ирсият масаласи билан шуғулланувчи тиббиётшунослар, муסיқашунослар,социологлар ва руҳшунослар ва янада кенг соҳа вакиллари жалб қилиши ўта муҳимдир

Мазкур масалани ўрганилишида яна бир қийинчилик соҳа вакилларининг касбий турлари кенглигидан ҳам келиб чиқади. Маълумки, муסיқий санъат олами ниҳоят кенг ва серқиррадир. Муסיқачилар тоифасига турли касб эгалари киради. Уларни аксарият ижрода (хонана ва созандалар, дирижёрлар), соф ижод борасида (бастакор ва композиторлар) ва муסיқий илм (мусиқашунослик, санъатшунослик)да ўзларини намоён қилишади.

Қобилият ва унинг ворислик анаъанасини ўрганишда физиолигик қирралар (масалан, муסיқий сулола аъзоларига Оллох томонидан инъом этилган яқин ва жуда ўхшаш тебр овоз жиҳати, унинг физиолигик қирралари (бармоқлар узунлиги, жағ тузулиши,лабларининг кенглиги ва шу каби жисмоний мойилликлар)ни атрофлича ўрганиб чиқиш ҳам лозим бўлади.

Жаҳоннинг энг катта муסיқий сулолардан бир бўлмиш И. С. Бах сулоласи, буюк композитор туғилишидан аввал ва ундан сўнг, сулола катта санъаткорлар авлодини қамраб олди.Хусусан, узулуксиз равишда сулола асосчиси скрипкачи Ганс Бах (1580-1626) номи билан бошланса , Иоганн Бах (1604-1673) органчи, дирижёр, Гених Бах (1615-1692) органчи ва композитор, Иоганн Михаел Бах (1648-1694) органчи, композитор, чолғу устаси ,Христоф Бах (1613-1661) сарой мусиқачиси, Иоганн Кристоф Бах (1645-1693) скрипкачи ва органчи, Иоганн Амвросий Бах (1645-1695) скрипкачи, ёрқин вакили, буюк Иоганн Себастиан Бах (1685-1750) , унинг ўғиллари Вилгелм Фридеман Бах (1710-1782) композитор, органчи, Филипп Эммануэл Бах (1714-1788) композитор, клависинчи, мусиқа педагоги, муסיқий директор, Иоганн Кристоф Фридрих Бах (1732-1795) композитор, клависинчи, капелмейстер Иоганн Кристиан Бах (1735-1782) композитор, пианист, органчи, мусиқа педагоги каби танилган ижодкорлар силсиласидан ташкил топган. Уларнинг фаолияти Олмонияда икки асрдан зиёд катта муסיқий даврни қамраб олинган. Сулола вакилларининг аксарияти композиция ва ижро билан шуғулланган бўлса, уларни оилавий қобилият ва муסיқий мойиллиги маълум йўналишда ўрганиб тадқиқ этилиши ҳам бу борада алоҳида изланишлар марказида туриши мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар мусиқий сулолар фаолиятини ўрганилишига доир айрим масалаларга ойдинлик киритишга қаратилган. Аммо, бу масалани серқирра ва мураккаблиги, турли соҳа намояндлари томонидан чуққур ва атрофли илмий-назарий изланишларни биргаликда олиб боришига даъват этади.

Мусиқий сулола каби мураккаб ходисани ўрганиш, унинг феномени негизида ётган ва мусиқа санъати ривожини ва истиқболли учун муҳим бўлган оилавий институтининг касбий ва ахлоқий кадрларни тарғиб этилиши замонавий санъат, илм ва таълим соҳаларнинг устивор вазифаларини амалга оширишда ёрдам беради. Ўз навбатида ушбу масалани тадқиқ этилиши нафақат мусиқа санъати ва маданияти доирасида балки бугунда буткул тарбия, таълим тизими, ўсиб келаётган баркамол ёш авлодни истеъдодли ва қобилиятли ўсиб улғайиши учун керакли замин ва омиллар даражасини англаш ва илғаб олишимизга ёрдам беради.

Мусиқий сулоларни ўрганиш борасида илмда махсус ишлар деярли амалга оширилмасда, аммо, сулолавийлик феномени инсониятга бот- бот ўзи ҳақида эслатиб турмоқда. Бу монографик изланишлар, санъатнинг бир ёки турли соҳаларида ижод қилаётган мусиқий сулолар ва оилаларнинг вакилларига бағишланган мақола ва тадқиқотларида, монографик нашрларда ўз ифодасини топиб, қайд этилмоқда.

Жаҳон мусиқа санъатида фаолият олиб бораётган сулоларнинг кўплиги, илм, санъат ва маданият борасида уларнинг ўрни ва юқори мавқеи, маҳаллий санъат ривожини учун аҳамиятини йўқотмайди. Ҳозирда ўзбек ижодиёти ва ижрочилик соҳаларида сермахсул ижод қилиб келаётган мусиқий сулолар қаторида ўз ичига учинчи авлод вакиллари қамраб олган-Ражибийлар, Зокировлар, Тошматовлар, Отажоновлар, Вареласлар, Гиенко ва Янов-Яновскийлар сулоласини ҳам қайд этиш мумкин.

Тақдир тақазоси билан Ўзбекистон мусиқа санъатида ёрқин ижодий ва ҳаётий жуфтликни ташкил қилган, бугунда эса уларни вояга етиб мусиқа оламида ном қозонаётган фарзанд ва набиралари, таниқли композитор ва

мусиқашунослар бирлигида - Тулкин Қурбонов ва Ирма Мальберг, Совет Варелас ва Тамара Головянц, мусиқашунослар Тўхтасин ва Холида Гофурбековлар, Отаназар ва Светлана Матякубовалар, Орзу Азимова ва дирижёр Элдар Азимов, Инесса ва Юнус Гульзаровлар, Шавкат и Мавжуда Аброровлар каби бир қатор ижодий ойлаларнинг улғайиб бориши оқибатида мусиқий сулолага айланиб келишларини гувоҳи бўляпмиз.

Юртимизда охириги йилларда давлатимиз томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат, мусиқа санъатини ривожига ва равнақи учун барча шарт-шароитлар яратилишига қаратилгандир. Бунинг пировардида малакали ёш кадрларни вояга етказиш, мусиқа соҳасида юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш, рақобатбардош карларни вояга етказиш ва тарбилаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар эътибор марказида бўлиб, узавий равишда мамлакатимизда мусиқий сулолавийлик анъаналарини ривожига учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Айни паллада мусиқий сулолалар фаолияти каби мураккаб ходисани ўрганилиши, унинг феномени негизида ётган мусиқа санъати ривожига ва истиқболли учун муҳим бўлган оилавий институтининг касбий ва ахлоқий қадриятларни тарғиб этилиши, бугунги кун замонавий санъат, илм ва таълим соҳаларнинг олдида турган устивор вазифаларини амалга оширишда ёрдам бериши мумкин.

## References

- [1] Galushenko, I. (2012). K voprosu izucheniya muzykalnyh dinastij i semej v Uzbekistane. *Mustaqil Oila-Manavij Tarbiya Maskani. Ilmij Tuplam*. Tashkent: Sano- standart. p. 160.
- [2] Galton, F. (1875). *Nasledstvennost talanta. Eyo zakony i posledstviya*. Saint-Petersburg. p. 299.

- [3] Rudin, B. (2004). Pevcheskij dar. Zagadki i mneniya. Analiticheskij obzor [Singing gift. Riddles and opinions. Analytical review]. *Rossiyskaya Otorinolaringologiya [Russian Otorhinolaryngology]*. № 6. pp. 177-182.
- [4] Filipchenko, Yu. (1925). Intelligenciya i talanty [Intellectuals and talents]. *Izvestiya Byuro Po Evgenike [News of The Bureau for Eugenics]*. № 3. pp. 83-96.
- [5] Knyazeva, T. (2001). Diagnostika muzykalnosti po elektroencefalogramme [Diagnostics of musicality by electroencephalogram]. *Psihologicheskij Zhurnal [Psychological Journal]*. Tashkent. 22, № 6. pp. 87-91.
- [6] Kinarskaya, D. (2004). Muzykalnye sposobnosti [Musical ability]. Moscow: Talanty-XXI vek», pp. 495.
- [7] Andreeva, T., Idei, B. (2008). Ananeva i emiricheskoe issledovanie zhiznennogo puti lichnosti [Ananyeva and the Emiric Study of the Life Path of a Personality]. *Vestnik Sankt- Piterburgsogo Universtiteta [Bulletin Of St. Petersburg University]*. Vol. 12., issue №1, pp. 52-59.
- [8] Tursunova, G. (2007). *Karim Zokirov va uning sulolalsi XX asr Ozbekiston musiqa madaniyati kesimida [Karim Zokirov and his dynasty are part of the musical culture of XX century Uzbekistan]*. Dissertation. Tashkent.